

акс этади. Роман қахрамони ҳам бахтнинг тимсоли лолани кидириб йўлга чиқаркан, манзилга қадар турли воқеалару синовларни бошдан кечиради. Ахйири, манзилга етган Озод лоланинг ўзидай ночор, унинг ўзидай бахтга орзуманд маҳлуқот эканлиги кўриб бариға тушунади: “Бахту саодат нима эканини энди-энди англамоқдаман... йўлимда учраган ҳамма нарса аслида хулоса чиқаришим ва маънисини англашим учун атайлаб йўлларимга сочиб қўйилганини ҳам тушунапман” [4]. Ва Озод ўзидаги мислсиз кучни юртига қайтгандагина ҳис қилади. Умуман, ҳар икки роман сюжети илдизлари ҳам Шарқ мумтоз адабиёти намуналарига бориб туташади. Аммо Исажон Султоннинг “Бокий дарбадар” романи ҳақида бундай ҳуқум чиқариб бўлмайди. Асарда кетар йўлидан адашган башарият қисмати қаламга олинган бўлиб, унда ўргимчак тўридай чирмашиб кетган ўнлаб йўлларни кўриш мумкин. “Бокий дарбадар” моҳиятан “Йўл ҳикоялари туркуми”га яқин туради. Чунки унинг қахрамони ҳам манзилга етиб бормаган, аммо ҳамон ўз йўлини кидириш билан овора. “Бокий дарбадар”даги аини шу жиҳат уни “Озод” романидан кескин фарқловчи омил бўла олади.

Айтмоқчимизки, Улуғбек Ҳамдамнинг “Йўл ҳикоялари туркуми” ва Исажон Султоннинг “Бокий дарбадар” романида бугунги кун кайфияти, постмодернизм йўналишининг қисман таъсири зухур бўлган. Шу сабабдан биз уларни тўлалигича мумтоз адабиёт намуналари билан таққослай олмаимиз.

Ғарбда, умуман, бутун дунёда оммавий дидсизлик тобора кучайиб бораётган бир пайтда, бизнинг адабиётимизда бундай асарларнинг яратилаётгани, албатта, қувонарли. Ю.Борев “совуқ уруш тугаганидан сўнг бошланган янги давр башарият тарихида ilk бор ҳеч қандай мавжудлик формуласига эга эмас” [1:160] деб ёзади. Яна бир рус санъатшуноси В.Микушевич постмодернизм инсониятга хаос ва бемаъниликдан ўзга нарса бера олмайд деб ҳисоблайди. Балки умумий олиб қараганда, инсоният шунга ўхшаш кайфиятга тушиб қолгандир. Балки Ғарб кишии мақсадсиз ва идеалсиз яшашга кўникиб улгургандир. Лекин бу “Шарқ модели” эмас!

Идеал ва олий мақсадлар инсоният ҳаётининг асл маз-

#### Адабиётлар

1. Борев Ю. Инсон ва инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси. // “Шарқ юлдузи”. 2011. №4.
2. Борев Ю. Парадигма современной эпохи (<http://independent-academy.net/science/library/ideall.html>).
3. Гречко П. Социальная теория современности. -М.: РУДН, 2008.
4. Султон И. Озод (роман). // “Шарқ юлдузи”. 2011. №5.
5. Ҳамдам У. Тўлин ой қиссаси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
6. Шарафиддинов О. “Мувозанат” – том маънода анъанавий услубда ёзилган асар (<http://ulugbekhamdam.uz/?p=248>).

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада Улуғбек Ҳамдам ҳикояларида илгари сурилган олам ва одам концепцияси ёритилган. Ёзувчи ҳикояларининг бадиий-ғоявий мазмуни постмодернизм йўналиши тамойиллари асосида таҳлилга тортилган. Таҳлил орқали глобализация даврида инсоният қаршида турган янги мақсад ва вазифаларнинг бадиий ифодаси ўрганилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье освещается концепция мира и человека, отразившаяся в рассказах Улугбека Ҳамдама. Рассматривается идейно-художественная сущность рассказа писателя с точки зрения постмодернизма. Выявлено авторское понимание целей и задач человечества, стоящих перед ним в условиях глобализации.

#### SUMMARY

The article deals with the concept of peace and man, reflected in the stories of Ulugbek Hamdam. The author considers the ideological and artistic essence of the writer's story in terms of postmodernism. The author's understanding of the goals and tasks of humanity facing him in the context of globalization is revealed.

### ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚЛАРИДА ТЕЗ АЙТИШ ЖАНРИ ҚИЁСИЙ МУШТАРАКЛИГИ

И.Б.Мадияров – ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**Таянч сўзлар:** фольклор, эртақ, нақл-мақол, топишмоқ, тез айтиш.

**Ключевые слова:** фольклор, сказка, пословицы и поговорки, загадка, скороговорка.

**Key words:** folklore, tale, proverbs and sayings, puzzle, tongue-twisters.

Маълумки, туркий халқлар азал-азалдан бир-бирлари билан маданий ҳамкорликда истиқомат қилади. Бинобарин, ўзбек ва қорақалпоқ этник қатлами миллий урф-одатлари, асрий анъаналари, дунёвий моҳияти, диний-маърифий сажияси, бадиий-эстетик қарашлари, турмуш тарзи, адабиёти, тили ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари муайян типологик муштаракликка таянади.

Аслида аждоқларимиз адабий тафаккури маҳсули бўлмиш халқ оғзаки ижоди халқ миллий маънавияти негизини ташкил қилади. Фуқаролик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ва ёш авлодни баркамол шахс этиб

мунидир. Аммо бугунги дунё кайфияти ўз мавжудлигида ана шу маънининг борлигига шубҳа билан қарамоқда. Аслида, аини шу кайфиятни ифодаловчи постмодернизмни шакллантирган асосий омиллардан бири бу Шарқ ва Ғарб маданиятларининг яқинлашувидир. Лекин Шарқнинг БЕМАНИЛИККА қандай алоқаси бор?!

ШАРҚ – ҳинд, хитой, мусулмон элатлари фалсафаларини (даосизм, конфутсий, индуизм, суфизм) кузатганимизда, уларнинг барида дунёнинг МАЪНИСИЗ эканлигига ишорат борлигининг гувоҳ бўлаимиз. Шарқ кишии учун доим тақдири азалнинг ҳақлиги, дунёнинг фоний эканлиги муҳим бўлган. Шу сабабдан у идеал ва маънони реал оламдан эмас, ундан ташқарида излаган. Худдий шундай, агар у мавжуд жараёни хаотик ҳолда кўраса-да, чинакам тартиб ва бутунлиқни идрок этиш учун инсон тафаккури оғизлик қилишига ҳам иймон келтира олади. Балки Ғарбга бир мунча пессимист Шарқнинг фоний дунёга бўлган муносабати таъсир этиб, оптимисти кишилар бунинг ортидаги моҳиятни ўзларига сингдира олмагандир?!

Хуллас, ўзбек насри шаклда ҳар қанча янгиланмасин, ўз моҳиятида **шарқона яшаш фалсафасини** сақлаб қолаверади. Шу боис ҳам уларда оламни англаш йўлида инсон иродасидан ташқаридаги Кучнинг бевосита ифодаси (“Йўл ҳикоялари туркуми”, “Бокий дарбадар”), инсонни дунё чархпалагининг оддий, аммо **кузатувдаги йўловчиси** сифатида тасвирлашга бўлган ҳаракат мавжуд.

Биз юқорида насримиздаги ўзгаришлар Ғарб постмодернизмдан жиддий фарқ қилишини айтиб ўтгандик. “Йўл ҳикоялари туркуми” аини шу фикримизни тасдиқлай олади. Қаҳрамон ўз мавжудлиги, манзили ва асл мақсадини идрок эта олмаса-да, МАЪНИ кидиришдан тўхтамайди. Агар постмодернистлар оламни хаос дея қабул қилиб, уни бор-борича (бемаъни) тасвирлашга уринса, Улуғбек Ҳамдам асарларида хаос деб кўрилган жараёндан қочиш, ундан маъно ва бутунлиқни кидириш кучли.

Бизнингча, насримиздаги ўзгаришларга умумжаҳон иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришларнинг миллий замин таянган қадриятлар билан синтези сифатида қараш ўринли бўлади. Ўтироғ этаётганимиз Улуғбек Ҳамдам ижодиётидаги силсилалар ҳам аини шу нукталарда намоён бўлади.



фольклористикаси тараққиёти тамойиллари, миллий адабиётлараро типологик муштараклик ҳамда адабий талқин табиатига баҳо беришга интилади.

## РЕЗЮМЕ

В статье теоретически обобщаются особенности жанра детского фольклора – скороговорки на примере устного творчества узбекского и каракалпакского народа. Автор при анализе аналогии жанра скороговорки даёт оценку тенденции развития фольклористики тюркских народов, национальной межлитературной общетипологической, также литературной интерпретации.

## SUMMARY

The article deals with summarizing of peculiarities of the genre of children's folklore tongue-twisters on the example of oral creative work of the Uzbek and Karakalpak people. The author in his analysis tries to evaluate the tendency of development of study of folklore of the Turkic people, national, inter literary and common typological, literary interpretation as well.

### ТЕЗ АЙТИШ ЖАНРИ ТАБИАТИ ВА ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

**И.Б.Мадияров** – ассистент ўқитувчи

*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини*

**Таянч сўзлар:** фольклор, тез айтиш, каламбур, аллитерация, омоним, омограф, пароним, омофон.

**Ключевые слова:** фольклор, скороговорка, каламбур, аллитерация, омонимы, омографы, паронимы, омофоны.

**Key words:** folklore, tongue-twisters, calambur, alliteration, homonym, homograph, paronym, homophone.

Азал-азалдан туркий халқлар муштарак жўғрофий ҳудудда, яхлит ижтимоий-тарихий шароитда бақамти яшаб келади. Жумладан, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг яшаш тарзи, миллий урф-одатлари, тўй-маросимлари, тили, адабиёти, шунингдек, халқ оғзаки ижодининг бир-бирига ўхшашлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Туркий халқлар қадимдан бола тарбиясига бағишланган ҳар хил халқ оғзаки жанрларини яратганлар.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди турларидан бири бўлган тез айтишлар ҳақида санокли тадқиқотларгина олиб борилган [1].

Фольклоршунос Ғ.Жаҳонгировнинг қайд этишича, “Тез айтишлар ёки сўз ўйинлари ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди турларидан бири бўлиб, айрим нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида мураккаб жойлашишига асосланади” [2].

Ғ.Жаҳонгиров тез айтишларни таҳлил қилар экан, тез айтиш фақатгина ўзбек фольклоршунослигидагина эмас, балки бошқа халқлар, ҳатто рус фольклоршунослигида ҳам махсус текшириш объекти бўлмаганлигини айтиб, Владимир Даль ўзининг Рус тили изоҳли луғатида “скороговорка”га ҳам, “частроговорка”га ҳам изоҳ бермаганлигини, профессор Д.Н.Ушаковнинг таҳрири остида чиққан рус тилнинг изоҳли луғатида ҳам “частроговорка”га изоҳ берилмаганлигини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, Г.С.Виноградовнинг “Детский фольклор и быт” [1] тез айтиш (скороговорка) сўз ўйини (частроговорка)дан фарқлаиши, талаффузи қийин бўлган жумлаларни тез айтиш, талаффузи осон бўлган жумлалар ва ҳатто айрим сўзларни эса сўз ўйини деб юритади. О.И.Капица “Детский фольклор” [3] китобида Виноградовнинг шу таърифини маъқуллайди ва тез айтишлар заминиди каламбур – товушлар такрори ётади, деб қўшиб кетади, [2] деб ётади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида тез айтишлар қадим замонлардан бери мавжуд. Тўғри, ўтмишда фольклор асарларини тўплаш ва ёзиб олиш йўлга қўйилмаганлиги учун улар бизгача етиб келмаган бўлса-да, Лутфий, Алишер Навоий каби ўзбек мумтоз адабиётининг буюк вакиллариининг асарларида сўз ўйинларининг турли кўринишдаги намуналарини учратиш мумкин. Бинобарин, ўзбек халқ оғзаки ижоди, жумладан, ўзбек болалар фольклори ўзининг қадимий тарихига эга. Фольклоршунос олим О.Сафаров қайд этганидек, “Ўзбек болалар фольклори узок асрлар давомида хилма-хил шаклдаги асарлар ҳисобига тўлиша борган. Бунга катталар ҳам, болалар ҳам баб-баравар ҳисса қўшганлар. Катталар бутун бир тизимдан иборат болаларни эркалаш поэзиясини яратганлар, болаларга мўлжаллаб ажойиб-ғаройиб эртаклар тўқиганлар, болалар зехини чархловчи топишмоқлар, нутқини ривожлантирувчи тез айтишлар ижод қилганлар” [4].

Маълумки, русча “скороговорка” деб аталувчи, тез айтиш республикаизмининг турли жойларида “чалши”, “тутал”, “чалгитув” ёки “чалгитма”, “адашиш” каби атамалар билан юритиладиган тез айтишлар қирғиз ва туркман халқларида “янгултамач”, тожикларда “тез гўяк”, татар халқида “тиз аткеч” ёки “тил чалпантиргич” деб аталади [5].

Туркий халқларда тез айтишларини ёзиб олиш ва ўрганишга асосан XX аср бошларида киришилган. Профессор А.П.Самойлович қозоқ-қирғиз ва қрим татарлари, В.Гордлевский эса усмонли туркларининг тез

айтишлариға оид кузатишлари билан бу муҳим ишға биринчилардан бўлиб қўл урганлар [6].

М.Ф.Гавриловнинг қирғиз халқи, М. Пешчерованиннг тожик халқининг тез айтишлари ҳақидаги ишлари йиғирманчи йиллардаёқ эълон қилинди [7].

Ўзбек халқи тез айтишларини ёзиб олиш, тадқиқ қилиш ва чоп этишда профессор Х.Зарифнинг хизмати каттадир. У биринчилардан бўлиб Наманган, Тошкент ва бошқа вилоятларга тез айтишлардан 12 тасини саралаб, “Ўзбек фольклори” хрестоматиясига киритди ва чоп этди [8].

Фольклоршунос Ғани Жаҳонгировнинг фикрича “тез айтиш ўзбек халқ оғзаки ижоди турларидан бири бўлиб, айрим нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида мураккаб жойлашишига асосланади” [9]. Фольклоршунос Ғ.Жаҳонгиров мавзу-моҳияти ва оҳангига асосланиб, тез айтишларни беш турга ажратиб ўрганади:

1. Талаффузи бир-биридан катта фарқ қиладиган фонемалар асосида, жумладан, “и”, “р”, “л” ундошлари асосида тузиладилар. Масалан: “Ош наишаси нес наиша”, “Лола арпалайди, Сора аллалайди.”

2. Иккинчи бир туркум тез айтишлар борки, унда боланиннг айрим товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш билан бирга боланиннг ҳаёлини бир жойга йиғишга, жумланиннг мантикий урғусини аниқлаб олишга жавоб қилинади. Мана бир мисол: *Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп. Бир туп тут бир туп турпнинг томирини тутиб турибди, бир туп турп бир туп тутнинг томирини туртиб турибди.*

Кузатиладик, бу ерда “тут” ва “турп” сўзларини тўғри талаффуз қилишдан ташқари, жумлани тўғри такрорлаш, тут ва турпни ўрни ва ҳолатларини ёдда сақлаб қолиш керак.

3. Учинчи туркум тез айтишлар икки ва ундан кўп элементдан иборат бўлади: *Жуварини чумчуқ еб кетди. Эгаси эртага келаман деб кетди. Келмай кетгур кўр чумчуқ, жуварини эгаси келгунча вайрон қип кетди.*

4. Тўртинчи тур тез айтишлар. Бу катталарнинг баҳри байт, қофия айтиши, айтишувлари (қиз ва йигитларнинг ўлан айтишувлари)сингарихозиржавобликка асосланган. Бунда фақат болаларнинг ўзлари бир-бирлариға топширик берадилар, иккинчи томон шунини тез ва тўхтамасдан, мазмунли қилиб жавоб бериш керак. Бу талаффузни тўғри айтган ҳолда тез ва тўғри айтишни ҳам талаб этади: *Боболар, оталар, танкчи акалар, немиснинг униға кечаси атака!*

5. Бешинчи тур тез айтишлар суратли тез айтишлардир. Бунда матндаги айрим предмет маъносини билдирувчи сўзлар шу предметнинг расми билан алмаштирилиб берилади. Масалан: *Ғуж чумчуқлар (чумчуқлар сурати) ғужум устида чуғурлашиб ғуж (битта чумчуқ сурати)чумчуқ (чумчуқлар сурати)ка ғужум чўқитмайди, ғуж (чумчуқлар сурати) ғужум устида чуғурлашиб, ғуж (битта чумчуқ) чумчуққа ғужум чўқилатмайди.*

О.Сафаров эса ундан фарқли ўларок, тез айтишларни таърифлашда Ғ.Жаҳонгиров тез айтишларининг уч хусусияти: а) нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида мураккаб жойлашиши чалғитиш-адашиш кўзланмай; б) шиддатли айтилмоғи; в) унинг фольклор тури бўлмай, балки жанри эканлиги назардан кочирилганлигини айтади.